

## Даврий нашрларга обуна килиш ва етказиб бериш бўйича

Шартнома 181  
2022 йил 14 ой

„Ўзбекистон почтаси“ АЖ номидан филиали Низоми асосида иш юритувчи директор  
„Ўзбекистон почтаси“ Етказиб берувчи деб номланувчи бирломондан ва ташкилот, муассаса, корхона номидан  
асосида иш юритувчи АДМИН ГРМ матнда “Обуначи” деб  
номланувчи иккинч томондан кўйидаги шартномани туздилар.

### 1. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. Етказиб берувчи Обуначининг талабига кўра Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатларда чоп этиладиган, Етказиб берувчининг обуна каталогига киритилган даврий нашрларга (бундан бўён товар) обуна расмийлаштириш ва етказиб бериш мажбуриятини олади, харидор бўлса товарни кабул килиш ва ушбу шартнома шартларига назарда тутилган шартлар ва тартибида товар хамда етказиб бериш хизмати учун тўлаш мажбуриятини олади.

Ушбу шартнома доирасида товар легандага даврий босма нашрлар - газета, журнал ёки доимий ном( ном), жорий ракамга эга бўлган ва йилига камида бир марта чоп этиладиган бошка нашр тушунилади.

1.2. Ушбу шартнома бўйича товарлар ўлчов бирлиги сифатида календар ой ичидаги чикадиган бир даврий нашрнинг товарлар партияси тушунилади.

1.3. Товар ва хизматларнинг аник номи, нархи ва бошка параметрлари шартноманинг ажралмас кисми хисобланган иловадаги буюртманомага асосан белгиланади. Товарлар партиясининг нархи ушбу шартноманинг бутун муддати учун белгиланади ва буюртманомада кўрсатилади.

1.4. Мазкур шартнома бўйича товарларни етказиб бериши муддати \_\_\_\_\_ дан \_\_\_\_\_ гача.

1.5. Етказиб берувчи даврий нанир чоп этилган кундан бошлаб товарни харидорга киска вакт ичидаги етказиб бериш учун барча сайд-харакатларни амалга ошириши ўз зиммасига олади.

1.6. Шартнома бўйича хисобот даври I (бир) календар ой.

### 2. ТОМОНЛАРНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. Етказиб берувчининг мажбуриятлари:

2.1.1. Товарни харидорга шартномада белгиланган тартибида ва муддатларда етказиб бериши.

2.1.2. Обуначига хисобот даврида етказиб берилган товар партиялари ва етказиб бериш хизмати учун ўрналтилган тартибида счёт-фактура тақдим килиши.

2.1.3. Товарларни наприёт томонидан белгиланган чикиш даврийлигига мувофиқ етказиб бериши. Товарларни етказиб бериш етказиб берувчи томонидан иш кунлари амалга оширилади.

2.1.4. Обуначидан товарни топшириш кабул килишида микдори ва сифати бўйича фарқ ҳакида далолатнома тақдим килинганда, етказиб берувчи конун хужжатларида белгиланган муддатда харидорнинг хукукий талабларини бажариш.

2.1.5. Хисобот ойи давомида конун хужжатлари талабларига мувофиқ товарларни ўрнатилган тартибида етказиб берилиши билан боғлик харидорнинг талабларини бажариш.

2.1.6. Харидор томондан нуксонли ёки яроксиз товарни алмаштириб бериш талаб килинганда, сўров тақдим этилган кундан бошлаб бир ой ичидаги алмаштириши.

2.2. Етказиб берувчи хукукли:

2.2.1. Ушбу шартнома бўйича ўз мажбуриятларини сифатли бажарни учун шартнома билан боғлик масалалар бўйича ахборот ва бошка маълумотларни обуначидан отгзаки ёки ёзма кўрининча олини.

2.2.2. Обуначининг мажбуриятлари:

2.2.3.1. Етказиб берилган товарни кабул килини ёки кабул килишдан бош тортини сабабларини 2 кун ичидаги асослаши.

2.2.3.2. Ушбу шартнома шартларига мувофиқ товар ва етказиб бериш хизматлари учун тўловни амалга ошириш.

2.2.3.3. Агар товар обуначининг почта кутисига етказиб берилиши лозим бўлса етказиб берувчига обуначи почта кутисининг раками ва жойлашган жойини маълум килиш.

2.4. Обуначининг хукуклари:

2.4.1. Товарлар олгандан сўнг, нуксонлар аникланганда ўзининг хохишига кўра кўйидагилардан бирини талаб килиши:

- буюртманинг нархини нуксонли товар нархига мутаношиб равишда камайтириши;

- худди шундай лекин нуксонеиз товар билан алмаштириши;

- нуксонли товар учун тўланган маблагларни кайтариб олиши;

Ушбу талаблар харидорнинг тегишли давво аризаси берилган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмай бажарилади.

2.4.4. Товарлар етказиб берилмаган холда олган обуначи кўйидагилардан бирини танлаш хукукига ега:

а) янги етказиб бериш санасини белгилаш;

б) нуксонли товар учун тўланган маблагларни кайтариб олишини талаб килиш.

Бу талаблар харидорнинг тегишли давво аризаси берилган кундан бошлаб 30 кундан кечиктирмай бажарилади.

### 3. ШАРТНОМА НАРХИ, ҲИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг умумий суммаси буюртманомага мувофиқ **1484000** сум шу жумладан ККС \_\_\_\_\_ сум.

3.2. Товар нархи ва етказиб бериш хизмати етказиб берувчи томонидан белгиланади ва буюртманомада кўрсатилади ва ушбу шартноманинг амал килини даврида ўз артирилмайди.

3.3. Харидор таъминотчиларга тўловларни кўйидаги тартибида амалга оширади:

- ушбу шартноманинг 100% микдорлаги аванс тўлови ушбу шартнома тузилган кундан бошлаб 7 иш куни мобайнода етказиб берувчининг банк хисоб ракамига ўтказилади.

3.4. Обуначи ва етказиб берувчи ўргасилаги барча тўловлар банк хисоб ракамга пул ўтказиш ёки банк картаси оркали Ўзбекистон Республикаси сўмидаги амалга оширилади.

3.5. Ҳисобварақ-фактуралар етказиб берувчи томонидан харидорга Ўзбекистон Республикаси конунчилигида белгиланган тартибида ва муддатларда тақдим этилади.

3.6. Томонлар шартноманинг охирги кунида иккى томон учун мажбурий бўлган ўзаро солиштирма далолатнома тувишлари тўғрисида келиниб олдилар.

3.7. Ушбу шартномада назарда тутилган ҳисоб-китоб тартиби етказиб берувчига тижорат кредити бериш ёки етказиб берувчидан конуний ёки бошка фоизларни олиш учун асос бўлмайди.

#### **4. ТОВАРЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ**

4.1. Товар етказиб берувчи томонидан куйилдаги манзиллардан бири бўйича етказиб берилади:

- Обуначи томонидан белгиланган почта кутисига;

- \_\_\_\_\_ манзилга, агар ушбу манзилда обуначи томонидан кабул килиб оливчи мавжуд бўлмаса, товарлар ушбу кўрсатилган манзилдаги бинода жойлашган почта кутисида ёки кириш эшиги олдида колдирилади.

- Обуначи ўзи олиб кетиши шарти билан \_\_\_\_\_ манзилга хизмат кўрсатувчи алоқа бўлимига

4.2. Товарни етказиб бериш усули харидор томонидан шартнома тузилган вактда белгиланади ва буюртманомада кўрсатилади.

4.3. Товарни етказиб бериш етказиб берувчи томонидан ёки етказиб берувчи номидан учинчи шахслар томонидан амалга оширилади. Танланган етказиб бериш усули бўйича етказиб бериши харажатлари товар баҳосига киритилмайди.

4.4. Етказиб берувчи товарни наприётлан ёки товар чикарадиган бошқа шахсдан олинган пайтдан бошлаб даврий нашрларнинг чоп этилини частотасини хисобга олган холда харидорга етказиб беради.

4.5. Хисобот ойи охирида етказиб берувчи харидорга календар ойи давомида етказиб берилган товар партияси учун счет-фактура юборади.

4.6. Етказиб берувчи белгиланган ҳужжатларни харидорга хисобот ойидан кейинги ойнинг 15-кунидан кечиктиримасдан тақдим етади.

4.7. Икки иш куни ичida харидор етказиб берувчи томонидан юрилган ҳужжатларини кўриб чикиди ва етказиб берилган товарлар миқдори бўйича эътироz бўлмаса, ўрнатилган тартибда расмийлаштиради ва етказиб берувчига кайтаради. Етказиб берилган товарнинг миқдори ёки сифатига эътироz бўлса, харидор ҳужжатларга имзо чекишдан бош тортишга ва аникланган номутаносибликлар тўғрисида далолатнома тузишга хаклиdir. Агар харидордан белгиланган муддатда асосли эътироzлар олинмаса, хисобот ойи учун маҳсулот харидор томонидан изохсиз кабул килинган деб хисобланади.

4.8. Агар обуначи белгиланган муддатда етказиб берувчига ёзма даъволар килмаган бўлса, етказиб берувчи томонидан тақдим килинган ҳужжатларни имзолашдан бош тортишга хакли эмас.

4.9. Тасодифий йўқотиши ёки маҳсулотга зарар етказиши хавфининг харидорга ўтказилиши товарни етказиб бериш усули бўйича харидорга етказиб бериш вактида содир бўлади. Товарга бўлган эгалик хукукини харидорга ўтказилиши счет фактура имзоланган пайтдан бошлаб содир бўлади.

#### **5. МАҲСУЛОТ СИФАТИ ВА ҚАДОҚЛАШ**

5.1. Маҳсулот етказиб бериладиган ва етказиб бериладиган қадоқлаш маҳсулотни ишлаб чикарувчи нашриёт томонидан белгиланади ва амалга оширилади.

5.2. Томонлар харидорга топнирилган товардан макеалига мувофик фойдалана олдиб келган яккол нуксонларга ега бўлган холларни товарларни қадоқланашарлари бузилиши деб хисобланшига келишиб олдилиар.

#### **6. МАҲФИЙЛИК**

6.1. Тарафлар битимни бажариш чоғида муйайн аҳборотнинг маҳфий хусусиятини бошқа томонга мажбурий хабардор килган холда бир томонлама аниглашга хакли.

6.2. Тарафлар бошқа тарафнинг олдиндан ёзма розилигисиз бошқа тарафнинг келишувига биноан олинган маълумотларни ошкор килмаслиги, учинчи шахсларга ўтказиши ёки ўз максадлари учун фойдаланиши мумкин эмас.

6.3. Агар маҳфий деб таснифланган вактда у аллакачон учунчи шахслар ёки оммавий аҳборот воситалари томонидан таржатилган ёки очиқланган тақдирда томонлар жавобгар бўлмайди.

6.4. Ушбу бўлимда белгиланган шартлар шартнома муддати давомида хам, келишув бекор килинган кундан бошлаб 3 (уч) йил мобайнида хам томонлар учун ҳар қандай сабабга кўра мажбурийдир.

#### **7. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

7.1. Томонлар ушбу шартнома бўйича мажбуриятларни бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига ва ушбу шартномага мувофик жавобгардирлар.

7.2. Етказиб берувчи даврий нашрларни чикиши тўхтатилини ёки тўхтатиб турилиш, кечикиши, шунингдек таҳририят томонидан бир томонлама даврий нашрларнинг чикиши даврийлиги ўзганилиги белгиланган муддатда чикарилмаслиги ва сони ёки сифат таснифлари ўзгартирилганлиги билан боғлик мажбуриятларни бажариши имконсиз ҳолларда жавобгар эмас.

7.3. Етказиб берувчи товарнинг мазмунини, шакли ёки бошқа мазмунини учун обуначитга жавобгар емас.

7.4. Говар параметрлари (шакл, мазмун, даврий нашрларнинг чикиши даврийлиги ёки маҳсулот чикаришини кечиктириш) ўзгарганда харидор бевосита таҳририятта ёки даврий нашрларни чикараётган шахсга даъво килиш хукукига эга.

7.5. Етказиб берувчи ушбу шартноманинг 3.3-бандига мувофик харидорнинг товар учун ҳак тўлаши мажбуриятларини бажармаганилиги муносабати билан бундай хукукбузарлик содир етилган ҳолларда товар етказиб бериш шартларини бузганилиги учун жавобгар бўлмайди.

7.6. Етказиб берувчи обуначининг даврий нашрлари олинмаганилиги ёки тўлиқ олмаганилиги учун жавобгардир ва 30 кун ичida харидор томонидан кабул килинмаган маҳсулотни етказиб бериш бўйича харидорнинг хуқукий талабларини бартараф етади.

7.7. Ушбу шартноманинг 7.6-бандига мувофик етказиб берилган календар ой ичida тақдим этилиши керак. Бундай даъволар бўлмаган тақдирда, календар ойининг охирида етказиб берувчи харидорнинг хисобот даврида товар етказиб бериш тартибини бузиш билан боғлик даъволарини кабул килмайди ва жавобгарликдан озод килинади.

7.8. Тўлов шартлари, шу жумлалан, аванс тўловини ушбу шартнома доирасида амалга оширганилик учун обуначи Ўзбекистон Республикаси конун ҳужжатларида белгиланган тартибдажавобгар бўлади.

7.9. Агар томонлардан бири ушбу шартнома бўйича мажбуриятларнинг бажармаслиги ёки лозим даражада бажармаслиги иккинчи томоннинг айби туфайли содир этилганлигини исботласа, жавобгар томон жавобгарликдан озод этилади.

7.10. Обуначи томонидан нашрларни етказиб бериш манзиллари, телефон раками, нотўғри кўрсатилган бўлса, етказиб берилмаган нашрлар учун етказиб берувчи жавобгар бўлмайди. Обуначининг манзили ўзарган тақдирда етказиб берувчига ёзма равишда хабар бериши шарт.

## 08. ФОРС-МАЖОР

8.1. Томонлар ўз ихтиёrlарида бўлмаган форс-мажор холати, яъни зилзила, сув тошкани, ёнгин, табиий оғатлар, эпидемия, харбий харакатлар, хукуматнинг айрим фаодият турини таъкидовчи карорлари сабабли шартномавий мажбуриятларини бажармаганликлари учун жавобгар бўлмайдилар. Бунда, ўзига ииебатан форс-мажор холати юзага келган томон иккинчи томонни 24 соат ичиза ёзма равишда огоҳлантириши лозим. Шартномани бажариш муддати, томонлар келишувига кўра форс-мажор холати муддатига узайтирилиши ёки шартнома бекор килиниши мумкин.

## 9. ШАРТНОМА МУДДАТИ. ШАРТНОМАНИ ЎЗГАРТИРИШ ВА БЕКОР ҚИЛИШ

10.1. Шартнома тарафлар томонидан имзолангандан кейин кучга киради ва 20 гача ва хисоб-китоблар жихатидан, уларнинг тўлиқ амалга оширилгунга кадар амал килади. Шартноманинг бекор килиниши томонларнинг шартнома бўйича бекор килингунга кадар юзага келган мажбуриятлари бекор килинишига сабаб бўлмайди.

10.2. Шартномага киритилган барча ўзгартиш ва қўшимчалар ёзма равишида амалга оширилиб, ҳар иккى томон томонидан имзолантан тақдирда амал килади. Томонларнинг тегишли қўшимча келишувлари шартноманинг ажралмас кисми хисобланади.

10.3. Томонлар шартномани (шартномани бажариш) бутунлай бир томонлама бекор килиш хукукига эгадирлар.

10.4. Шартнома бир томонлама бекор килиш, бир томон иккинчи томонга ёзма хабарнома юбориши йўли билан амалга оширилиши лозим. Агар хабарномада бошкacha белгиланмаган бўлса, шартнома ушбу хабарнома олинган кундан бошлаб 30 (ўттиз) календар кундан кейин бекор килинади.

10.5. Тарафлар шартномадан кисман бир томонлама воз кечишга (шартномани бажаришга) ҳакли емас.

10.6. Шартномага ҳар кандай ўзгартиш ва қўшимчалар ёзма равишида киритилиб, тарафларнинг тегишлича ваколатли вакиллари томонидан имзоланган тақдирда амал килади. Бу холда тарафларнинг ваколатли вакиллари тегишли тарафнинг Устави (бошка таъсис ҳужжати) асосида харакат килиувчи шахслар, шунингдек ўрнатилган тартибида расмийлаштирилган ишончнома асосида харакат килиувчи шахслар хисобланади.

10.7. Томонлар келишувни имзолагандан сўнг, у бўйича барча дастлабки музокаралар, ёзишмалар ва дастлабки келишувлар юридик кучга ега бўлмайди.

## 10. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

10.1. Шартнома бандларини бажариш юзасидан келишмовчиликлар келиб чикган тақдирда, томонлар уларни музокара йўли билан ҳал этишини зиммаларига оладилар. Шунда умумий ечимга келишининг имконияти бўлмаса, масала Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунлари асосида Тошкент шахар ҳўжалик суди орқали ҳал килинади.

## 11. БОШҚА ҚОИДА ВА ШАРТЛАР



11.1. Шартнома бир хил юридик кучга ега бўлган 2 (икки) нусхада, тарафларнинг ҳар бири учун биттадан оддий ёзма шаклда тузилади.

11.2. Шартнома Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофик бошқарилади ва шархланади. Шартномада кўрсатилмаган хамма нарсаада томонлар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига асосланади.

11.3. Агар томонлардан бири почта, алоқа ва/ёки тўлов реквизитларини ўзгартирса ёки кайта ташкил этиш ё тутатилиши лозим бўлса, бошқа томонни ушбу ўзгаришлар кучга кирган кундан бошлаб 2 (икки) иш куни ичиза ёзма равишида хабардор килиши шарт (кайта ташкил этиш ёки тутатиш холатида тегишли карор кабул килинган кундан бошлаб 1 (бир) иш куни ичиза). Тарафлардан бирининг ушбу бандда назарда тутилган мажбуриятнинг бошқа тараф томонидан бажарилмаслиги билан боғлик зарарлари айбор шахс томонидан копланади.

## 12. ТОМОНЛАРНИНГ МАНЗИЛИ ВА ХИСОБ РАҶАМЛАРИ:

### "БАЖАРУВЧИ"

"Ozbekiston pochtasi" АЖ  
  
Манзил:   
Х/р: 22 612 000 900 155 266 536  
АТ "Алоқа банк"нинг  
Амалиёт бошкармаси  
МФО: 00401  
ОКД:  
ИНН: 200 833 833


### Телефонлар:

Обуна бўлими:

Бухгалтерия:

Шартнома бўлими:

Иктисол бўлими/

Факс: 

Вебсайт: 

Маркази маданий маданий

бюджетни м

## Текширилган:

## Обуна қабул қилинсін

сүм тийин  
Бошлиқ

(имзо)

## Матбуот тарқатиши бўлимига

## **БҮЮРТМА**



Ш МТ-16

## Қабул қилингандай обунага тўлов ҳажми

201 — й.  
201 — й.  
201 — й.

Катта хисобчи

## Манзилгоҳи:

Куйидаги ойнома ва рўзномаларга обуна кабул килишингизни сўраймиз

2019-й. МАРТА

Жами. 2484000 сүм  
Обуна хәки хабарнома олғынандан сунг. Тұлаади

## Маркет директор

A circular blue ink stamp from the Ministry of Internal Affairs (MVD) of the USSR, Moscow. The outer ring contains the text 'МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ МИНИСТЕРСТВО ВНУТРЕННИХ ДЕЛ СССР' (Moscow Oblast Ministry of Internal Affairs of the USSR). The center contains '10.05.1980'. Overlaid on the stamp is the handwritten text 'СУД' (Court).

W. Koch

b; Capre 6

6. Maret 1966

201 ЙИЛ « »

201 йил « »

**Етказиб бериш варакаси түлатилди:**

ИМЗО